# МУРУВВАТ ДЎКОНИ ОЧИЛДИ

Тошкентнинг Стаханов кўчасида очилган «Она» меҳр-шафқат жамиятига қарашли янги дўкон дастлабки харидорларга хизмат кўрсата бошлади.

Дўконнинг очилиш маросимига «Яккасарой», «Фарҳод» ва бошқа маҳаллалардан одамлар келишди. Улар бир пиёла чой устида суҳбатлашиб, тўй қозонида тайёрланган паловдан тановвул қилишди, хонандалар қўшиғини тинглаб хордиқ чиқаришди.

Шундан сўнг қария, ногирон ва кўп болали оилаларга дўкон пештахталаридаги сархил сабзавот мевалардан бепул тортиқ этилди. 20 нафар кишига ҳар бири 600 сўм турадиган чойшаб, 200 нафар кишига эса қишки кийимлар, кўп болали икки оилага эса соғин сигир инъом этилди.

Ўтказилган маросим учун кетган ҳаражатларни «Она» жамияти ўз зиммасига олди.

Суратларда: «Она» меҳр-шафқат жамияти кўп болали оилага сигир тортиқ қилди.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) сурати.



● *Омадингизни синаб кўринг*

# МИЛЛИОНЕР БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Бунинг учун журналистларнинг халқаро бирдамлик лотереясини сотиб олсангиз кифоя. Бу хилдаги лотереянинг ўйналаётганига 10 йилдан ошиб кетди, лекин билетлар ҳеч қачон очиқ савдога чиқарилмас эди. Сабаби: биринчидан, миқдори чекланганлиги бўлса, иккинчидан ўйин шартларига кўра ютиш имконияти кўпроқ эди. Масалан, битта билет 4 марта текширилларди, шундай пайтлар ҳам бўлганки битта билетга бир варакай 4 та ютуқ чиққан. Бунинг учун Ўзбекистонга ютуқ сифатида ҳар йили беш ёки олтита чет эл енгил машиналари кириб келарди. Табиийки, бундай лотерея билетларини биз фақат журналистларгагина сотардик.

Собиқ Иттифоқнинг барбод бўлиши муносабати билан лотереянинг чиқарилиш тартиби ҳам ўзгарди: фақат пул ютуқларинигина тикиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ютуқнинг энг йириги — 1 миллион сўм. Шундан сўнг 500 минг, 200 минг ва ҳоказо... 100 та билет сотиб олган одам катта ютуққа умид боғлаши мумкин.

Кўпчиликда шундай шубҳали савол туғилиши мумкин: ютуққа чиққан пулларни олишда муаммоларга дуч келинмасмикин? Хотиржам бўлинг. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси омади кулиб боққанларни тегишли ютуқларни олишларига кафолат беради. Сизга ютуқ чиқса бас, буёғидан ташвишланманг.

Битта билет — 10 сўм. Лотереяларни нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан ҳам сотиб олиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилсангиз бўлгани: 44-19-76, 44-64-61, 44-65-97.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси.

*Табиат ва биз*

# ШАҲАРГА БУЛУТ КИРИТИЛМАДИ

ТАБИАТНИНГ ўз йўли бор. Шунинг учун ҳам корёмғир ёмон бўлди, ҳамма ёқни шаллаббо қилди, деб эътироз билдириб бўлмайди. Чунки, у табиатнинг инъоми. Лекин айни байрам палласида ёмғир ёғиши кишиларнинг кайфиятига, қолаверса байрам тадбирларининг ўтказилишига таъсир этиши турган гап. Ана шу туфайли республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилинадиган 30, 31 август ва 1 сентябрь кунлари об-ҳаво очиқ туриши муҳим эди. Бироқ, об-ҳавони аниқлаш марказининг беш кунлик хабари айни Мустақиллик байрами кунлари ёмғир ёғишини тайин қилиб қўйганди.

Лекин Тошкент шаҳрини ёғингарчиликдан ҳимоялаш штаби тузилгач, бу хавф йўқолди, дейиш мумкин. Чунки об-ҳавони аниқлаш маркази бошлиғи В. Чуб раҳбарлигидаги штаб аъзолари (жумладан бу штабда Ўрта Осиё об-ҳавони ўрганиш илмий-тадқиқот институтининг ректори Н. Аксарин ҳамда бошқа мутахассислар бор эди) булутга фаол қаршилик кўрсатиб, уни пойтахтга етиб келмасдан ёғдириш ва 40—50 километр атрофида булутни тарқатиш вазифасини ўз олдиларига қўйгандилар. Яъни байрам кунлари, тантаналар вақтида ҳаво очиқ бўлиши лозим. Бу масала ҳаммани қийнаб турарди.

Биринчи марта бизнинг минтақамизда ўтказилган ёғингарчиликдан сақлаш тадбири учун қўшни Қозоғистон республикасининг фуқаро авиацияси бошқармасига қарашли Бурундай авиаотрядининг иккита махсус АН-30 самолети жалб этилди. Об-ҳавони аниқлаш маркази бош бошқармаси, Ўрта Осиё об-ҳавони аниқлаш илмий тадқиқот институти, «Тошкент» аэропорти ҳамда Чирчиқдаги «Электрохимпром» корхоналари асосий эътиборни ана шу ишга қаратдилар.

31 август энг масъулиятли кун бўлди. Ахборотлар оқими соат сайин кўпаймоқда. Камина катта илмий ходим Б. Қодиров билан биргаликда бу ахборотларни текшириб бордик ва булутларга иккита самолет билан қаршилик кўрсатиш режаси ишлаб чиқилди.

Учувчилар қийин шароитда ишладилар. Яъни ўн соатлаб узлуксиз булутлар, кучли чайқалишлар зонасида бўлдилар, кислород йўқ эди. Ана шундай ҳолатда ҳар бир самолетда А. Абдукаримов раҳбарлигидаги қаршилик кўрсатиш гуруҳи аъзолари тиним билмасдан иш олиб борди. Пешин соат 3 да тадбирнинг натижаси кўрина бошлади. Соат 17 да эса шаҳар, айниқса унинг марказий қисми булутдан тозаланган эди. Тошкентни ёғингарчиликдан ҳимоялашнинг уддасидан чиқилди.

Шундай қилиб, биринчи бор республикамизда қўлланган тадбир ижобий натижа берди. Айни пайтда ушбу ўтказилган амалий тажриба сабоқлари ўрганилмоқда.

**Ғ. РАҲМОН-ЗОДА,**
Ўрта Осиё об-ҳавони ўрганиш илмий-тадқиқот институти етакчи мутахассиси.

# ҚАТРАЛАР

● БОЛАСИ билан ўтлаб юрган бир она кийикка бўри ҳужум қилди. Она кийик ҳаялламай ўзини бўрининг оғзига урди. Боласи қочиб қутилди.

— Эй, ўз боласини ташлаб кетишни хаёл қилаётган бемеҳр, тошбағир она, меҳру оқибатни ана шу кийикдан ўрган!

● УЧИБ бораётган қушнинг қанотидан ажралиб қолган пат ерга қайтиб тушгач, имирсиб юрган қумурсқаларга мақтанди:

— Устимга чиқинглар, мен сизларни олиб осмону фалакка учаман.

● ҚИЗГИНА! Лабларинг... Йўқ, йўқ гўзаллик бўлмасига кириб, ўзингга оро беришларинг, лабингга лаббўёқ суртиб юришларинг ҳақида сўзламоқчи эмасман. Асло...

Кеча шу ғунча лабинг билан «розиман» деб, бугун эса ҳарбий хизмат бурчимни ўташда йўқотган оёғимни — «чўлоқ» деб, совчиларни қайтариб юборибсан. Эҳ, бу «бўёқ»ли лабларинг...

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

# • БОШҚОТИРМА •

ЭНИГА: 5. Мозандарон ҳукмдори Шамс ал-Маоний Қобуснинг набираси Кайковуснинг машҳур аҳлоқий таълимий асари. 8. Мусбат зарядланган электрод. 9. Энг улуғ зот. 10. Ип йигирадиган дукли асбоб. 11. Маълум касб ёки соҳага оид китобча. 13. Халқ оғзаки ижодига оид асар тури. 15. Американи кашф этган денгиз сайёҳи. 17. Фаластиндаги муқаддас шаҳар. 18. Кавказдаги жумҳурият пойтахти. 20. Азиз неъмат. 21. Сув йўли, чуқурлик. 22. Улуғ Ватан урушида душман дзотини кўкраги билан тўсган ўзбек қаҳрамони.

БЎЙИГА: 1. Америка автомобилларидан бирининг маркаси, 2. Ип-ипакли миллий газлама. 3. Туркия пойтахти. 4. Қадимий ер ҳайдаш асбоби. 6. Тошкент вилоятидаги янги шаҳарлардан бири. 7. Одамсимон маймун. 12. Камёб, шоҳли жонивор. 14. Белгиланган қонун асосида фуқаро ва жиноий ишларни кўрувчи давлат маҳкамаси. 16. Мумтоз шоир, Алишер Навоийнинг замондошларидан бири. 17. Хашарот тури. 19. Миллий таом. 21. Марказий ва Ўрта Осиё халқларининг енгилгина кўчма уйи.

Ф. ОРИПОВ тузган.



Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бўлими маъмурияти вилоят суд тиббий экспертиза бош шифокори Х. А. Нодировга онаси
**Лола НОДИРОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида А—3 форматида босилади. ●

Буюртма — Г-284. Индекс: 64672. Тиражи 31650. Босишга топшириш вақти— 20.30. Босишга топширилди— 20.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12